



ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА ФИТОЛИЗИН®

Препаратнинг савдо номи: Фитолизин®

Дори шакли: ичга қабул қилиш учун паста

Таркиби:

100 г паста қуйидагиларни сақлайди:

фаол моддалар: оддий золотарник ўти, дала қирқбўғими ўти, аччиктарон ўти, бугдойик илдизпояси, пиёз қипиғи, қайин барглари, пажитник уруғлари, петрушка илдизи, любисток илдизи - 67,2 г; мармарак мойи - 1,0 г, қалампир ялпизли мой 0,5 г, қарағай мойи 0,2 г, ширин апельсин мойи 0,15 г аралашмасининг қуюлтирилган экстракти (1:1,3 – 1,6; спирт 45°);

ёрдамчи моддалар: глицерин 99,5%, агар, бугдой крахмали, ванилин, этилпарагидроксибензоат (Е 214), тозаланган сув.

Таърифи: майда донатор, ярим қаттиқ консистенцияли, қўнғир-яшил рангли, ўзига хос хушбўй хидли паста.

Фармакотерапевтик гуруҳи: Урологияда қўлланадиган бошқа дори воситалари.

АТХ коди: G04BC

Фармакологик хусусиятлари

Сийдик ҳайдовчи, яллиғланишга қарши, спазмолитик таъсир кўрсатади, қум ва майда конкрементларни сийдик чиқариш йўлларида ювиб чиқариб юборилишига ёрдам беради, сийдикнинг минерал компонентларини кристалланишини камайтиради.

Қўлланилиши

Ўсимликлардан олинадиган анъанавий дори препарати бўлиб, сийдик йўлларида инфекция-яллиғланиш касалликлари билан хасталанган пациентларни, уролитиазни (майда конкрементлар, «қум» бор бўлганида) комплекс даволаш таркибида ва нефроуролитиазни профилактикаси сифатида қўлланилади.

Қўллаш усули ва дозалари

Катталарга, ичга пастанинг 1 чой қошиғини ½ стакан илиқ, ширин сувда эритиб, кунига 3-4 марта овқатдан кейин қабул қилиш буюрилади.

Кекса ёшдаги пациентлар: кекса ёшдаги пациентлар учун дозани модификация қилиш тавсия этилмайди.

Болалар ва 18 ёшгача бўлган ўсмирлар: 18 ёшгача бўлган болаларда препаратнинг хавфсизлиги ва самарадорлиги аниқланмаган.

Буйрак етишмовчилиги бўлган пациентлар: Фитолизин® ни буйрак етишмовчилиги бўлган пациентларда қўллаш мумкин эмас.

Жигар етишмовчилиги бўлган пациентлар: жигар етишмовчилиги бўлган пациентларда препаратни дозалаш тартиби юзасидан тавсиялар йўқ.

Препаратни қўллаш курси давомийлиги: препаратни кўпи билан 2-4 ҳафта давомиде ишлатиш мумкин. Агар симптомлар кучайса ёки ўтиб кетмаса, зудлик билан шифокорга мурожаат қилиш керак.

Диурезни кучайишини таъминлаш учун адекват миқдорда суюқлик қабул қилиш тавсия қилинган.

Ножўя таъсирлари

Ножўя таъсирларни юз бериш тезлиги юз бериш тезлигига мувофиқ қуйидаги тарзда таснифланган: жуда тез-тез ($\geq 1/10$); тез-тез ($\geq 1/100$ дан $< 1/10$ гача); тез-тез эмас ($\geq 1/1,000$ дан $< 1/100$ гача); кам ҳолларда ($\geq 1/10,000$ дан $< 1/1,000$ гача); жуда кам ҳолларда ($< 1/10,000$); тез-тезлиги номаълум: мавжуд маълумотлар асосида тезлигини аниқлаш мумкин эмас.

Ультрабинафша нурларга юқори сезувчанликда фотосенсибилизация кўринишлари юз бериши мумкин.

Оқ қайин барги

Меъда-ичак йўллари томонидан бузилишлар (кўнгил айнаши, қусиш, диарея) ва аллергия реакциялар (қичишиш, тошма, эшакеми, аллергия ринит). Тез-тезлиги номаълум.

Пажитник

Меъда-ичак йўллари томонидан бузилишлар: қоринни дам бўлиши, диарея.

Нерв тизими томонидан бузилишлар: бош айланиши. Тез-тезлиги номаълум.

Оддий Золотарник

Меъда-ичак йўллари томонидан бузилишлар ва аллергия реакциялар. Тез-тезлиги номаълум.

Дала қирқбўғими

Меъда-ичак йўллари томонидан ўртача бузилишлар ва аллергия реакциялар (масалан, тошма). Тез-тезлиги номаълум.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

- Препаратнинг компонентларига индивидуал юқори сезувчанлик (препаратнинг компонентларига аллергия реакциялар), астрадошлар (мураккаб гулдошлар) (*Asteraceae* (*Compositae*)), соябонлилар оиласи ўсимликларига, золотарникка, любистокка ёки оқ қайин чангига (оқ қайин баргига) индивидуал юқори сезувчанлик
- буйрак етишмовчилиги
- юрак етишмовчилиги
- юрак ёки буйрак касаллиги оқибатидаги шишларда қўллаш мумкин эмас.

Дориларнинг ўзаро таъсири

Препаратнинг сийдикни ҳайдовчи таъсири туфайли, бошқа бир вақтда қўлланилаётган дори воситаларининг тез чиқариб юборилиши эҳтимолини ҳисобга олиш керак.

Фитолизин® қуйидагиларнинг таъсирини кучайтириши мумкин:

- антикоагулянтлар, ностероид яллиғланишга қарши препаратлар
 - гипогликемик дори воситалари
 - литий тузларини сақловчи дори воситалари
 - моноаминоксидаза ингибиторларининг таъсирини кучайтириши мумкин
 - пентобарбитал, аминопирин ва парацетамолнинг таъсирини узайтириши мумкин.
- Фитолизин® ингичка ичакда дори воситаларини сўрилишини, шу жумладан, бета-каротин, альфа-токоферол ва холестеринни сўрилишини камайитириши мумкин.

Махсус кўрсатмалар

Агар симптомлар кучайса, ўтиб кетмаса ёки уларга ёндош равишда иситма, оғриқ ва сийишни қийинлаштириши ёки сийдикда қон пайдо бўлиши кузатилса, зудлик билан шифокорга мурожаат қилиш керак.

Фитолизин® ни 18 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларда қўллаш тавсия этилмайди.

Дори препарати кўпи билан 4% (ҳажм/ҳажм) этанол сақлайди, яъни бир дозада кўпи билан 200 мг этанол сақланади, бу 5 мл пиво ёки 2 мл винога эквивалентдир. У алкоголизм билан азият чекувчи пациентларга зарар келтириши мумкин. Препаратнинг таркибида этанолни борлиги, препарат ҳомиладор ёки эмизикли аёлларга, болаларга ёки жигар

касаликлари диагностика қилинган ёки тутқаноғи бўлган пациентларга буюрилганда эътиборга олинishi керак.

Пажитникнинг қанди пасайтирувчи самараси туфайли, диабет юзасидан даволанаётган пациентларда қонда қанд даражасини синчков назоратини амалга ошириш керак.

Фитолизин® бугдой крахмали сақлайди. Бугдой крахмали глютен сақлаши мумкин, бироқ фақат жуда ҳам оз миқдорларда сақлаши мумкин.

Фитолизин® этилпарагидроксибензоат сақлайди, у юқори сезувчанлик реакциясини (секин кечувчи реакцияни) чақирishi мумкин.

Фитолизин® препаратини қўллаш вақтида кўн миқдорда суюқлик қабул қилиш тавсия этилади.

Ҳомиладорлик ва лактация даврида препаратни қўлланиши

Препаратнинг компонентларини генотоксик таъсирга тааллуқли бўлган етарли маълумотлар йўқлиги сабабли, препаратни ҳомиладорлик ва эмизиклик даврида қўллаш тавсия этилмайди. Препаратни ҳомиладорлик даврида, агар шифокор фикрига кўра, она учун кутилаётган фойда ҳомила учун потенциал хавфдан устун бўлса, қўллаш мумкин.

Автотранспортни ва потенциал хавфли механизмларни бошқариш қобилиятига таъсирини ўзига ҳослиги

Ҳозирги вақтга қадар диққатни юқори жамлаш ва психомотор реакцияларнинг тезлигини талаб этувчи потенциал хавфли фаолият турларини бажариш қобилиятига салбий таъсири аниқланмаган, бироқ препаратда этанол сақланишини ҳисобга олиш керак.

Бир доза 5 мл пиво ёки 2 мл винога тўғри келади.

Дозани ошириб юборилиши

Ҳозирги вақтгача дозани ошириб юборилиши ҳоллари аниқланмаган.

Чиқарилиш шакли

Ичга қабул қилиш учун паста; 100 г дан ички юзаси лак билан қопланган алюминий тубаларда. Ҳар бир туба тиббиётда қўллаш бўйича йўриқномаси билан бирга картон кутига жойланади.

Сақлаш шароити

Ёпиқ ўрамларда, 25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин.
Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Яроқлилиқ муддати

3 йил.

Яроқлилиқ муддати ўтганидан кейин ишлатилмасин.

Дорихоналардан бериш тартиби

Шифокор рецеттисиз.

Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси эгаси

«ПОЛЬФАРМА» АЖ фармацевтика заводи
19, Пельплиньска кўчаси 83-200 Старогард Гданьски, Польша

Ишлаб чиқарувчи:

Гербаполь Варшава МЧЖ
54, Олувков кўч., 05-800 Прушков, Польша

Дори воситаларини сифати бўйича эътирозлар (таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили

“Польфарма” ваколатхонаси АЖ,

Тошкент ш., Фидокор кўч., 32

Тел.: +99897 107 55 99

Жавоб бериш қурилмаси рақами: + 99871 205 10 48

Электрон почта манзили: info.uzbekistan@santo.uz